

Ўзбекистонда 2025 йил «Атроф-муҳитни асрашва „яшил“ иқтисодиёт йили» деб эълон қилинди.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ АСОСИДА РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлариға расмий ташрифи доирасида Абу-Дабида ўтказилган "Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги" халқаро саммитида иштирок этиши ҳам айнан мазкур тамойилларни амалга оширишга бўлган мамлакатимиз саъй-ҳаракатларининг яққол исботидир.

"Барқарор ривожланиш ҳафталиги" – 2008 йилда БАА ҳукумати ва "Masdar" компанияси томонидан ташкил этилган халқаро платформа бўлиб, унинг асосий мақсади жаҳондаги барқарор ривожланишни жадаллаштириш, озиқ-овқат ва сув хавфсизлигини таъминлаш, энергия тежамкорлиги ҳамда карбонсизлантириш йўлидаги ҳаракатларни илгари суришdir. Бу йилги саммит кун тартибига "яшил" иқтисодиёт, инновациялар ва янги технологияларни жорий этиш, шунингдек, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар киритилди.

Ўзбекистоннинг мазкур саммитда фаол иштироки, шу жумладан Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг "Глобал ўрта мактаблар" номинациясида голиб бўлиши, мамлакатимизда барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ва саъй-ҳаракатларнинг халқаро миқёса тан олинаётганидан далолатdir.

Барқарор ривожланиш мақсадлари дунё мамлакатлари учун XXI асрнинг асосий ривожланиш йўналишлари мажмуи бўлиб, нафақат иқтисодий ривожланишни, балки ижтимоий ва экологик жиҳатларни ҳам ўз ичига олади.

Барқарор ривожланиш мақсадларига оид ижтимоий, иқтисодий ва экологик омилларни уйғунлаштиришга қаратилган бу тушунча 1987 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тайёрланган **"Бизнинг умумий келажагимиз"** ҳисоботида илгари сурилган бўлиб, унда барқарор ривожланишни **"Хозирги даврда инсоният эҳтиёжларини қондиришни, лекин келажак авлодларининг имкониятларини хавф остига қўймаслик"**ни назарда тутувчи концепция сифатида таърифланади.

Барқарор ривожланиш мақсадларининг учта асосий тамойиллари:


Ижтимоий тамойиллар: Барқарор ривожланиш аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни камайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш

тизимларини ривожлантириш орқали жамиятни ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган.

Иқтисодий тамойиллар: Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида инновацияларни жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш, инқирозларни енгид ўтиш чораларини кўриш.

Экологик тамойиллар: Табиатни муҳофаза қилиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш каби йўналишлар бу соҳанинг муҳим қисми ҳисобланади.

Стокгольм университетининг барқарорлик маркази томонидан ишлаб чиқилган барқарор ривожланиш мақсадларининг ўзаро боғлиқлиги концепцияси



Ўзбекистон Республикаси ушбу концепцияни давлатнинг барча соҳаларига жорий этишга интилоқда, бу эса ушбу соҳага оид бир қатор стратегик хужжатлар ва ташабbusларни ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши билан ифодаланади.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш кун тартиби дастури»ни амалга ошириш бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ адо этиб келмоқда. Мазкур «Кун тартиби»ни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хўкумати томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинган. Жумладан, «2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари» ҳамда «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш миллий мақсад ва вазифаларини тезкорлик билан бажариш учун қўшимча чора-тадбирлар» ҳақидаги хужжатлар тасдиқланган.

«Барқарор ривожланиш мақсадлари»ни мамлакат эҳтиёжларига мослаштиришда, 2017–2021 йиллар учун қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва ҳозирда амал қилаётган «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»нинг аҳамияти катта. Ушбу ҳаракатлар Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим қадамлар сифатида қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида «Инсон шаъни ва қадр-қиммати йўлида»ги асосий тамойил илгари сурилган бўлиб ушбу стратегияда аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, инсон хуқуqlарини ҳимоя қилиш ва қучли фуқаролик жамиятини барпо этиш асосий мақсадлар сифатида белгиланган.

Хозирги кунда барқарор ривожланишни таъминлаш учун зарур хуқуқий, иқтисодий ва институционал база яратилган. Дунёning сиёсий ва иқтисодий муҳитдаги бекарорликлар ҳамда таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, миллӣй барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг долзарблиги янада ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан мамлакатда турли соҳалар ва худудларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган стратегиялар, концепциялар, мақсадли дастурлар ва йўл хариталарини Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, эришилган натижаларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва миллӣй мақсадларга эришиш бўйича келгуси қадамларни белгилашга эҳтиёж ортиб бормоқда.

2025 йил Ўзбекистонда **Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва "яшил" иқтисодиёт йили** деб эълон қилинди. Ушбу муҳим қарор экологик барқарор технологияларни мамлакат иқтисодиётига интеграция қилиш, фуқароларнинг турмуш сифати ва табиий ресурсларни келажак авлодлар учун сақлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакат келажагини белгилайдиган асосий стратегиялардан биридир. Мамлакат хукумати 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) миллӣй дастурларга интеграция қилиш орқали ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатлар бўйича аниқ йўналишларни белгилаб олган.

Ижтимоий аҳамият: Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий фаровонлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Камбағалликни қисқартириш, таълим даражасини ошириш ва аҳолининг барча қатламларига тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятини кенгайтириш орқали жамиятнинг барча қатламлари фаровонлиги таъминланмоқда.

Иқтисодий аҳамият: Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шунингдек, рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга интеграция қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Экологик аҳамият: Ўзбекистон сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ҳаво сифати каби экологик муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳажми сезиларли даражада оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича эришган натижалари


Статистика агентлигининг "Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланиш мақсадлари" статистик тўпламида акс этган рақамларга эътибор қаратилса мамлакатда барқарор ривожланиш кўрсаткичлари бўйича бир қатор ижобий натижалар қайд этилган.



Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш

2023 йилда Ўзбекистонда аҳолининг камбағаллик даражаси сезиларли даражада камайди. Статистика маълумотларига кўра, Расмий камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган мамлакат аҳолисининг улуши 2021 йилда 17,0% ни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 14,1% га пасайган. Бу ўзгаришлар 2023 йилда ҳам давом этиб, 11,0% га тушгани ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигидан далолат беради.


Расмий камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган мамлакат аҳолисининг улуши, % да



Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш


2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг туғилишда кутилаётган ўртacha умр кўриш давомийлиги 74,3 ёшни ташкил этган. Эркаклар учун 72,1 ёшга, аёллар учун эса 76,6 ёшга тенг. Шаҳар жойлар учун 74,8 ёшни ташкил этган. Қишлоқ жойлар учун туғилишда кутилаётган ўртacha умр кўриш давомийлиги 73,6 ёшни ташкил этган.

Туғилишда кутилаётган умр давомийлиги 2023 йил 1 январь ҳолатига



Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифохона муассалари сонини қўшган ҳолда, 2024-йил 1-январ ҳолатига Ўзбекистонда шифохона муассасалари сони 1 432 тани ташкил этиб 2020 йил 1 январга нисбатан 432 тага ошган.

Ўзбекистон Республикасида шифохона муассалари сони (тегишли йилнинг 1 январ ҳолатига, бирлик)



Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш

Сифатли таълим олиш одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва барқарор тараққиётни таъминлашга замин яратади. Таълимнинг қулайлиги ва сифати масалалари дунёнинг барча давлатлари стратегик ривожланиш дастурларига киритилган, чунки давлат аҳолининг ўзини ўзи англаш имкониятлари учун таълим мухитини яратиш орқали мамлакатда моддий фаровонлик ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга, инсон капиталини оширишга ҳисса қўшади, ўз ўрнида, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиради ва халқаро майдонда рақобатдош устунликни яратади.

Таълим тизимини ривожлантириш халқаро таълим фаолиятининг асосий тамойилларига асосланади, улардан бири арzon сифатли таълимни амалга ошириш учун шароит яратиш ва таъминлашdir.



Ўзбекистон Республикасида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқейидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун teng ҳуқуқлар кафолатланган.

Саводсизликка барҳам бериш ва барча фуқаролар учун арzon таълимни таъминлашда катта муваффақиятларга эришган Ўзбекистон таълимни давлат томонидан молиялаштиришнинг устунлигини сақлаб келмоқда, бу шубҳасиз ижобий омилдир.

Ўзбекистонда олий таълим ташкилотлари сони йилдан-йилга сезиларли даражада ортиб бормоқда. Масалан, 2018/2019 ўқув йилида бу кўрсаткич 98 тани ташкил этган бўлса, 2022/2023 ўқув йилига келиб 191 тага етди. Бу сўнгги 5 йил ичида олий таълим муассасалари сонининг деярли икки баравар кўпайганини кўрсатади. Бундай ўсиш ёшларнинг таълим олиш имкониятларини ошириш ва мамлакатда юқори малакали кадрларни тайёрлашни кучайтиришга хизмат қилмоқда.


Фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сони (ўқув йили бошига, бирлик)



Таълим ҳар бир жамиятнинг асосий ривожланиш кўрсаткичи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ривожлантириш орқали барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга интилмоқда. **Олий таълим муассасалари сонининг оширилиши:** Ўзбекистонда янги университетлар ташкил этилмоқда, хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик кенгаймоқда.

Хотин-қизлар таълимини рағбатлантириш: Қизларнинг таълим олиш даражасини ошириш бўйича алоҳида дастурлар амалга оширилмоқда. Бу, айниқса, қишлоқ худудларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабаларнинг жинси бўйича улуши ўқув йили бошига, %



Ушбу маълумотларни жамоатчиликка етказиш аҳолини хабардор қилиш ва муҳим аҳамиятга эга. Илмий-оммабоп статистик маълумотлар жамоатчиликнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бўлган ёндашувини яхшилайди, ҳамда жамиятда барқарор ривожланиш ғояларини кенг тарқатиш учун замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси учун долзарб ҳисобланган 16 та мақсад ва 125 та вазифа тасдиқланди.

Ҳукуматнинг 2022 йил 21февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан белгиланган 16 та мақсадларга эришиш учун вазифалар сони 126 та кенгайтирилди ва 190 та миллий БРМ индикаторлари тасдиқланди.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эриш натижаларини мониторинг қилиш ва улар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар

— Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни қузатиш ҳамда ушбу соҳада бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аниқ ва ўз вақтида тайёрланган, характеристикалари бўйича тақсимланган, долзарб ва фойдаланиш учун қулай бўлган статистик маълумотлар зарур бўлади.

Бу борада статистика ҳамжамияти зиммасига 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кўрсаткичларини шакллантириш вазифаси юқлатилган.

Статистика агентлиги раҳбарлигига Миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг кўрсаткичлари бўйича идоралараро ишчи гурухи фаолияти йўлга қўйилиб, унинг зиммасига бу борадаги глобал индикаторлар асосида МБРМ кўрсаткичлари тизимини доимий янгилаб бориш ва унинг методологиясини шакллантириш, уларни доимий тўплаш ва МБРМ веб-порталида (www.nsdg.stat.uz) эълон қилиб бориш каби вазифалар юқлатилган.

Ўтган давр мобайнида Статистика агентлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон учун муҳим ҳисобланган 190 та миллий барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари рўйхати ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича эришилган натижаларни қузатиб бориш ва ушбу соҳада мамлакатдаги мавжуд вазият тўғрисида долзарб маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Миллий барқарор ривожланиш

мақсадлари кўрсаткичлари бўйича веб-сайт (<https://nsdg.stat.uz/>) контенти соҳага оид янгиликлар ва зарур маълумотлар билан бойитиб борилмоқда.

Веб-сайт замонавий визуализация усууларидан фойдаланган холда фойдаланувчига таҳлилий жадвалларни яратиш ва график тасвирларнинг энг мос турларини танлаш имконини беради. Шунингдек, индикаторларни ҳисоблаш методологияси ва бошқа маълумотлар мавжуд бўлган ҳар бир индикатор учун тақдим этилган.

Ушбу веб-сайт Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича эришилган натижалар таҳлили учун миллий ҳамда халқаро фойдаланувчилар учун ягона ва ишончли маълумотлар манбаси ҳисобланади. амалга оширилади.

Веб-сайт ўзбек, рус ва инглиз тилларида юритилади. Веб-сайт МДҲ мамлакатлари орасида илғор амалиётнинг ажойиб намунаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими билан муваффақиятли ҳамкорлик натижаси сифатида эътироф этилган. Статистика агентлиги томонидан 2018, 2019, 2020, 2021, 2022 ва 2023 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасида Миллий БРМларга эришиш бўйича статистик кўрсаткичлар тўпламлари” уч тилда (рус, ўзбек ва инглиз тилларида тайёрланиб нашр этилди.

Бундан ташқари, Статистика агентлиги барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги миллий тараққиётни ўлчаш ва мамлакат ўз миллий маълумотлари ҳамда кўрсаткичларидан фойдаланиши учун тараққиёт тўғрисида сиёсий жиҳатдан ҳисбот бериш учун мўлжалланган. Бугунги кунда Статистика агентлиги томонидан юритиладиган миллий БРМ веб сайтида учта тилда (рус, ўзбек ва инглиз тилларида) **143** та миллий БРМ кўрсаткичлари жадваллар ва инфографикалар шаклида тақдим этилмоқда.

БМТ Европа иқтисодий комиссияси эксперталар гурухи томонидан “Ўзбекистон миллий статистика тизимини глобал баҳолаш”дан ўтказилди

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Статистика комиссиясининг 2024 йил бўлиб ўтган 55-сессиясида, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, Евростат ва Европа эркин савдо ассоциацияси томонидан 2024-йилда Ўзбекистон миллий статистика тизимини глобал баҳолашдан ўтказиш режалаштирилган эди. Шу муносабат билан, 2024 йил июн ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлигига “Ўзбекистон миллий статистика тизимини глобал баҳолаш” мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодий комиссияси эксперталар гурухи ташриф буюрди.

Эксперталар гурухи таркибида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК), Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕФТА), Европа Иттифоқининг статистика идораси (Евростат) вакилларидан

иборат эди. Глобал баҳолашнинг мақсади халқаро ва Европа кўрсатмалари ва тавсияларига, шу жумладан, БМТнинг расмий статистикани асосий тамойиллари ва Европа статистикаси амалиёт кодексига мувофиқ, расмий статистикани тайёрлашда институционал, ташкилий ва техник салоҳиятни чукур ва ҳар томонлама таҳлил қилишдан иборат.

Глобал баҳолашлар дастлаб 2008-йилда Жанубий-Шарқий Европа ва Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларидаги миллий статистика тизимларини баҳолашдан бошланган. Глобал баҳолашлар нафақат миллий статистика идоралари (Ўзбекистон мисолида, Статистика агентлиги) билан боғлиқ, балки расмий статистиканинг барча асосий тайёрловчиларини (масалан, марказий банк, молия, меҳнат вазирликлари ва бошқалар) қамраб олади. Шундай қилиб, Глобал баҳолашлар хукуматлар, фойдаланувчилар ҳамда бошқа миллий ва халқаро манфаатдор томонлар учун статистика тизимлари ривожланишининг умумий ҳолати ҳақида кенг қамровли тасаввурга эга бўлиш учун ноёб имконият ҳисобланади. Мазкур ўтказилган Глобал баҳолаш натижалари бўйича олинадиган тавсиялар Ўзбекистон миллий статистика тизимини ривожлантиришнинг 2026 – 2030-йиллар учун мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишида фойдаланилади.

БМТ Европа иқтисодий комиссияси эксперталар гуруҳи “Ўзбекистон миллий статистика тизимини глобал баҳолаш” дастури бўйича ўзларининг дастлабки хulosаларини тайёрлаб, агентлик мутахассисларига тақдим этишди. Мазкур хulosаларнинг Барқарор ривожланиш статистикасига оид қисми бўйича эксперталар томонидан Статистика агентлигига амалга оширилаётган ишлар юқори баҳоланди.

Экспертлар баҳоси

“Глобал баҳолаш гуруҳи сўнгги глобал баҳолашдан (2018 йил) кейинги ютуқлардан, шунингдек, БРМни амалга ошириш ва мониторинг қилиши бўйича ишлар ва натижалардан ҳайратда қолди”

Экспертлар тавсиялари

Статистика агентлиги барқарор ривожланиши мақсадлари учун маълумот ва статистикани тақдим этиши бўйича миллий даражадаги саъи-ҳаракатларни мувофиқлаштириши юзасидан мавжуд ташабbusларни давом эттириши лозим.

Статистика агентлиги турли лойиҳаларда иштирок этаётганда институционал ресурсларни (молиявий, кадрлар, техник ва бошқалар) ҳисобга олиши зарур.

Статистика агентлигига ўрганилган сабоқлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммоларни барқарор ривожланиши мақсадларининг кенг жамоатчилиги орасида тарқатиш ва оммалаштириши имкониятини кўриб

чиқиши тавсия этилади - кўплаб муваффақиятлар ва ажойиб натижалар мавжуд!

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ижтимоий фаровонликни таъминлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва экологик мувозанатни сақлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар келажак авлодлар учун барқарор ва хавфсиз муҳит яратишни кафолатлайди.

Статистика агентлиги ушбу мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутади. Агентлик мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик кўрсаткичларини тизимли равишда таҳлил қилиб, таҳлил натижалари асосида хукуматга стратегик қарорлар қабул қилиш учун ишончли маълумотлар тақдим этади.

БМТ Статистика департamenti директори **Штефан Швайнфест** таъкидлаганидек, статистика – бу БРМ га эришиш жараёнидаги ютуқларни баҳолаш ва таҳлил қилиш учун асосдир. У халқаро ҳамжамиятга ҳозирги ҳолатни баҳолаш ва ривожланиш йўналишларини тўғрилаш учун зарур инструментларни тақдим этади. Барқарор ривожланиш кўрсаткичлари қашшоқликка қарши курашиш, таълим сифатини ошириш ва экологик зарарни камайтириш каби муҳим соҳаларни кузатиш имконини беради.

Расмий статистика нафақат маълумотлар манбаи, балки адолатли ва барқарор дунёни яратиш учун стратегик восита вазифасини ҳам бажаради.

Шу билан бирга, мамлакатда барқарор ривожланиш соҳасидаги барча ислоҳотлар “**Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик**” тамоили асосида давом эттирилмоқда. Бу ёндашув аҳолининг барча қатламлари учун тенг имкониятлар яратиш ва ривожланиш жараёнидан ҳеч ким четда қолмаслигини таъминлаш мақсадида йўналтирилган. Умуман олганда, Статистика агентлиги фаолияти, барқарор ривожланишга қаратилган ислоҳотлар ва халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган дастурларни мониторингини юритишида ўз хиссасини қўшишда давом этади.